



## THE IMPACT OF MODERN URBAN PLANNING ON HUMAN LIFE

**D.E. Tukhtaboyeva**

*Faculty of History, National University of Uzbekistan*

*Associate Professor, Department of the Most Recent History of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekiston*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** "Underground cities", "building-cities", "smart architecture", "Ecocity", "Sustainable city", "climate budget", technopark, cluster, conglomerate.

**Abstract:** The article explains the concept of modern urbanism, its emergence, and its current form, and at the same time discusses the positive impact that these factors have on the well-being of the population.

**Received:** 19.12.25

**Accepted:** 20.12.25

**Published:** 21.12.25

## ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИКНИНГ ИНСОН ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

**Д.Э.Тўхтабоева**

*ЎзМУ Тарих факультети*

*Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, Кафедраси доценти*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** “Ер ости шаҳарлари”, “бино-шаҳарлар”, “ақлли архитектура”, “Экошаҳар”, “Барқарор шаҳар”, “иқлим бюджети”, технопарк, кластери, конгломерат.

**Аннотация:** Мақолада замонавий шаҳарсозлик тушунчаси, кириб келиши ҳамда бугунги кунда унинг кўриниши очиб берилган бўлиб, айти пайтда мазкур омиллар аҳоли фаровонлигига кўрсатаётган ижобий таъсирлари ҳақида фикр юритилган.

## ВЛИЯНИЕ СОВРЕМЕННОЙ ГРАДОСТРОИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ЖИЗНЬ ЧЕЛОВЕКА

**Д.Э. Тухтабоева**

*Исторический факультет, Национальный университет Узбекистана*

*доцент кафедры новейшей истории Узбекистана*

## О СТАТЬ

<p><b>Ключевые слова:</b> «Подземные города», «города-здания», «умная архитектура», «Экогород», «устойчивый город», «климатический бюджет», технопарк, кластер, конгломерат.</p>	<p><b>Аннотация:</b> В статье рассматривается концепция современного урбанизма, его возникновение и нынешняя форма, а также обсуждается положительное влияние этих факторов на благосостояние населения.</p>
--	--

**Кириш.** Замонавий шаҳарсозлик маданияти ўрта асрларда Хитой ва Японияда юзага келганлиги фанда кўрсатилади. Бунга асос мазкур давлатларга хориждан олиб кирилаётган хар қандай товарларга чекловлар давлат томонидан эмас, аксинча маҳаллий бошқарув тизими шаҳарлар орқали амалга оширилиши натижасида уларнинг мавқеини ортиб борганлиги билан боғланади.

Муҳокама ва натижалар. Бугунги кунга келиб шаҳарсозлик борасида амалга оширилаётган ишлар инсон ҳаётига ижобий таъсир қилмоқда. Ҳозирги кунда дунё аҳолиси 8 миллиарддан ортиб кетган[1]. Ривожланган давлатларда туғилиш камайиб бораётган бўлсада, миграция ва катта шаҳарларга ишлаш учун келаётганлар ҳисобига аҳоли сони кўпаймоқда. Бу эса ер билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Ҳозирда кўпгина ривожланган давлатларда уни бартараф этиш мақсадида “Ер ости шаҳарлари”ни қуриш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, турли муаммоларни бартараф этишда фойдаланилмоқда. Бундай шаҳарларни ташкил этаётган давлатлар улардан турли мақсадларда фойдаланиши билан ажралиб туради. Хусусан, Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида бунёд этилган ер ости шаҳрида турли хил офислар, дўконлар, жамоат сузиш ҳавзалари, муз заллари, автотураргоҳлар, коммунал тармоқлар, маълумотлар марказлари жойлаштирилган. Сингапурда эса мазкур шаҳарлардан саноат ва коммунал хизматлари учун фойдаланиш йўлга қўйилган. Бу эса шаҳардаги жойларни яшил майдонлар учун ажратишга ёрдам бермоқда. Монреалдаги “Ер ости шаҳри” иқлимга чидамлилиқ ва шаҳар қулайлиги қандай бирга боришини кўрсатади[2].

Умуман олганда, “Ер ости шаҳарлари” ривожланган давлатларда ер танқислиги билан юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун яхши имконият ҳисобланади.

Замонавий шаҳарсозликда ер билан боғлиқ муаммолар фақат “ер ости шаҳарлари” орқали ҳал этилаётгани йўқ. Балки, бинолардан ҳам унумли фойдаланиб “бино-шаҳарлар” ҳам қурилмоқда. Масалан, авваллари қурилган иншоотлар бутун шаҳар бўйлаб жойлаштирилган бўлса, ҳозирда битта бинонинг ўзи кифоя қилиб, уларда турар-жойлар, меҳмонхоналар, офислар, магазинлар, супермаркетлар бунёд этилмоқдаки, натижада бино

ичида бир неча кун давомида ҳеч қарга чиқмасдан бемалол яшаш имконияти яратилмоқда. Улар нафақат ҳайратланарли тарзда бунёд этилмоқда балки, иқтисодий қулайликлари билан ҳам кўпгина афзалликларга эга. Масалан, хона чироғини ўчириш учун кафтни бири-бирига уриштириш кифоя ёки эшикка яқинлашганда чироқ ёнади, узоқлашса ўчади. Оддийдек туюлган ушбу ҳолат шаҳарлардаги қанча энергияни тежалишига олиб келиши мумкин. Албатта, юқоридаги бино ва иншоотлар инсон заковатининг намунаси ҳисобланади [3].

Бундан кўринадики, шаҳар тушунчаси айна пайтда нафақат маълум ҳудудга балки, битта катта бир бинога нисбатан айтиш мумкиндек бўлиб қолмоқда.

Охирги йилларда табиий ресурслар сув, қуёш, ҳаводан ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратилиб, улардан аллақачон энергия олиш йўлга қўйилган. Эътиборли томони ҳар қандай инновация экологияга, табиатга зиён келтирмаслигига аҳамият қаратилганлигидадир. Шу мақсадда автомобил йўлларини ер остига тушириш, пиёдаларга қулайлик туғдириш, уларни эркин ҳаракатланиши учун велоўйларни ташкил қилиш, ҳар қандай замонавийликни, инсон ва табиатга зарар етказдирмасдан туриб, табиат неъматларидан унумли фойдаланган ҳолда, “ақлли архитектура” ёрдамида шаҳарларни қуриш бош мезонга айланиб бораётганлигидир. Бу эса “Экошаҳар” ларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Сўнгги йилларда хорижий мамлакатларда “Барқарор шаҳар” тушунчаси юзага келди. Бундай шаҳарларда ҳамма нарса экологияни яхшилашга, ресурслардан оқилона фойдаланишга, умуман чиқитсиз ишлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Масалан, Копенгагеннинг (Дания) турар жой районида аҳоли яшаш жойи ўртасида кичик завод қурилган бўлиб, унинг вазифаси аҳолидан чиққан чиқиндиларни қайта ишлашга юбориш ҳисобланади. Аҳамиятли томони мазкур жойда ҳеч нарсага яроқсиз охирги чиқиндилар махсус ёпиқ камераларда ёқилиб, иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади ва шу атрофдаги аҳолига жуда арзон нархларда реализация қилинади [4].

Осло бугунги кунда дунёдаги энг барқарор шаҳарга айланган. 2030 йилга келиб, шаҳар деярли нолга яқин чиқиндиларга эришишни режалаштирмоқда. Бундай натижаларга эришиш учун муҳим лойиҳа “иқлим бюджети” дастурини яратиш эди. Ушбу дастур зарарли чиқиндиларни назорат қилади ва камайтиришга ёрдам беради [5].

Албатта бундай инновацион технологиялар кишиларга нафақат энергияни тежашга ёрдам беради балки, экологик тоза муҳитда яшаш имконини бериб, умр кўриш давомийлигини ортишига сабаб бўлади.

Замонавий дунёда давлатлар деярли ҳар бир соҳада илм-фан ютуқларини амалиётга кенг қўллаши натижасида тараққиётнинг юксак даражасига эришмоқдалар. Хусусан,

технологик тараққийетга хос бўлган янги-янги атамалар ҳам пайдо бўлмоқда. Коворкинг марказлари, бизнес-аксилератор, технопарк шулар жумласидан. Технопарк, бу — худудий, илмий, технологик ва инновацион лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этувчи технологик база ҳисобланади. 1975 йилда жаҳонда жами 79 та махсус иқтисодий худудлар ва индустриал парклар ташкил этилган бўлса, 2019 йилга келиб уларнинг сони 5400 дан ошиб кетди. Хозирда дунёда жами 2500 та технопарк қайд этилган, улардан 300 таси АҚШда, 110 таси Японияда, 80 та Хитойда, Хиндистонда 50 та, Евроиттифоқда 600 та, улардан 360 таси Германияда, 80 таси Францияда, 25 та Финляндияда ва 130 таси Россия давлати худудига тўғри келади (1-жадвал)[6].

1-жадвал

## Дунёдаги технопарклар худудлар кесимида

№	Давлатлар номи	сон
1	Жаҳонда	2500 та
2	АҚШ да	300 та
3	Япония	110 та
4	Хитой	80 та
5	Ҳиндистон	50 та
6	Германия	360 та
7	Франция	80 та
8	Финляндия	25 та
9	Россия	130

Бугун АҚШдаги “Силикон водийси”, Япониянинг “Сукуба технопарки”, Европадаги “Сколково” технопарки, Екатеринбург шаҳридаги “АТ-кластери”, Нисса яқинидаги “София-Антиполис”, Сингапурдан ташқарида машҳур бўлган “Оне-Нортх” бизнес маркази, Ҳиндистондаги “Интел” ва “Сиссо” дунёдаги энг машҳур технопаркларга киради (2-жадвал)[7].

2-жадвал

## Дунёдаги энг машҳур технопарклар (2025 й)

№	Давлатлар номи	Технопарклар номи
1	АҚШ	“Силикон водийси”
2	Япония	“Сукуба технопарки”
3	Европа	“Сколково”
4	Россия	“АТ-кластери”
5	Сингапур	“Оне-Нортх”

6	Хиндистон	“Интел” ва “Сиссо”
---	-----------	--------------------

Технопарклар асосан инновацион ғоялар шаклланадиган жой. Бироқ, технопарклар замонавий илм-фан шаҳарлари – янги технологияларни жорий этиш учун нафақат платформадир, балки, ноёб меъморий лойиҳалар амалга ошириладиган жой ҳамдир.

Дунё тез ўзгармоқда, яшаб турган асримиз давлатлар эмас, шаҳарлар даврига айланмоқда. Жумладан, мегаполислар инновациялар ва бунёдкорлик марказлари сифатида намоён бўлиб, уйлар ва кўчалар кластери[8] мақомидан одамлар учун ранг-баранг, хавфсиз ва сифатли ҳаётни таъминлашга интилаётган конгломератлар[9] мақомига ўтмоқда. Мутлақо янги ривожланиш моделига эга шаҳарларни яратиш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Сингапур шаҳар-давлат ҳисобланиб, ҳозирги кунда футуристик [10] ғоялар мужассамланган жой деб ҳисобланади. Шаҳарда интернет тармоғидан ҳамма жойда бемалол фойдаланиш имконияти бор. Шаҳарда ўрнатилган камералар, сенсорлар ва GPS қурилмалари орқали ҳудудда содир бўлаётган барча нарсалар ҳақида тезда маълумотлар олинади. Шунинг учун бўлса керак, шаҳарда ҳеч қандай тирбандлик, жиноят ёки ахлоқсизлик йўқ. Шаҳар транспорти бекатларида қайси автобус қаерда, қанча тезликда ва йўловчилар сонида ҳаракатланаётганини кўрсатадиган махсус электрон дисплейлар ўрнатилган. Бундан ташқари Wi-Fi тарқатиш пункти, интерактив харита, электрон китоблар ва ҳатто болалар учун беланчаклар аҳолига беминнат хизмат қилади. Бугунги кунда Сингапурда тўғри парвариш ва назоратга муҳтож бўлган кўплаб кексалар бор. Шу сабабли, шаҳарда кексалар учун мониторинг тизими мавжуд. Яъни, эшиклар ва турар-жой бинолари ичида махсус сенсорлар ўрнатилган. Сенсор, масалан, шубҳали фаолият аниқланиши билан дарҳол қариндошларига ёки махсус хизматларга сигнал юборади. Қарияларга бўлган бу эътибор албатта тахсинга сазовордир. Сингапурда дунёда ўхшаши бўлмаган яна бир улкан лойиҳа - оролнинг виртуал 3D модели бўлиб, у энг нозик деталлар, максимал мониторингни ва ҳар қандай нуансларни назорат қилади. Хусусан, ҳар бир машинанинг ҳаракати, оломон жойлари, сув оқими, электр энергияси ва чиқиндилар, ҳатто шовқин даражаси ва ҳавонинг ифлосланиш даражасини қамраб олган. Қабул қилинган маълумотларга асосланиб, турли прогнозлар ва моделларни куриш мумкин. Масалан, юқумли касаллик қандай тарқалади, фалон жойда янги осмонўпар бино қурилса, ҳаво оқими қандай тақсимланади ва бошқалар[11].

Юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкинки, Сингапур келажакда куриш мумкин бўлган шаҳарни аллақачон қуриб, фойдаланишга топширган. Шунинг учун ҳудудда аҳоли фаравонлиги юқори даражада бўлиб, коррупция аломатлари энг паст кўрсаткичда. Турмуш-

тарзи, саломатлик, ўртача умр кўриш давомийлиги ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий шаҳарсозлик маданияти ривожланган ҳудудларда қўлланилиб келиниши натижасида энг муҳим омил аҳоли фаравонлиги ортиб, сифат жиҳатидан олий даражага етмоқда. Бу жиҳатдан қолган ривожланаётган ҳамда ривожланиши паст кўрсаткичдаги давлатларда ҳам ушбу тизимни қўллаш ва аҳолига қулай шароитларни яратиш бугунги шаҳарсозликни бош вазифаларидан биридир.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дунё аҳолиси. // [https://uz.wikipedia.org/wiki/Dunyo\\_aholisi](https://uz.wikipedia.org/wiki/Dunyo_aholisi).
2. Фарғона водийсидаги кичик ва ўрта шаҳарларнинг ривожланиши: ўзгаришлар ва муаммолар (1991-2016 йй). Тошкент: 2018 й.-Б.24-25.
3. Ўша жой.
4. Назарова Д. Мустақиллик шаҳарсозлигининг истиқболлари // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. – Тошкент, 2016. – Б. 4-5.
5. Осло дунёдаги энг барқарор шаҳар. // <https://www.uzbekistonmet.uz/uz/lists/view/4103>.
6. Даминова М.Б. "Иқтисодиёти тараққий этган давлатлар технопарклари тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари". "Экономика и социум" №10(89) 2021. Б-609// <file:///C:/Users/user/Downloads/i-tisodiyoti-tara-iy-etgan-davlatlartehnoparklari-tazhribasini-zbekistonda-llash-imkoniyatlari.pdf>.
7. Аҳмедова.С. Технопарклар <https://uza.uz/uz/posts/dunyening-eng-mash-ur-tekhnoparklarini-bilasizmi-05-11-2019>.
8. Кластер (инглизча "кластер" сўздан - тўпланиш, чўтка, тўда) маълум хусусиятларга эга мустақил бирлик сифатида қаралиши мумкин бўлган бир нечта бир ҳил элементларнинг бирикмасидир // <https://ru.wikipedia.org/wiki>.
9. Конгломерат- турли соҳаларда фаолият юритувчи бир қанча компанияларни бирлаштирган йирик бирлашма // Конгломерат. <https://yuristpro.uz/konglomeratlar/>.
10. Футуристик-келажакка хос, эртанги кунни акс эттирувчи, илғор технологиялар, тезлик ва ўзгаришларни ифодаловчи нарсалар тушунилади // Футуризм. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-f/futurizm-uz/>.
11. Геоурбанистика и градостроительство: теоретические и прикладные исследования. Москва. 2021 г. // <http://vseon.com/analitika/sovremennaya-strojka/sovremennye-goroda-budushhee-uzhe-nastupilo>.